ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

573 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига қушимча ва узгартиришлар киритиш тургисида (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тургисида» 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори)

«Рақобат тўгрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Товар ва молия бозорларида монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофик айрим қарорларига қушимча ва узгартиришлар киритилсин.
- 2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
- 3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 23 октябрь, 287-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



43 (595)-сон — 13 — 573-модда

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 октябрдаги 287-сон қарорига ИЛОВА

Узбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган қүшимча ва үзгартиришлар

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатидан утказиш, ҳисобга қуйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби туррисидаги низомда:
- а) 12-банднинг «г» кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:

«рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ҳўжалик юритувчи субъектлар бирлашмалари ташкил этишга, ҳўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тўғрисида монополияга қарши органнинг қарори»;

б) 72-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши қушилсин:

«рақобат тўгрисидаги қонун хужжатларида назарда тутилган холларда устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) сотиб олиш бўйича битимлар содир этишга, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этишга, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тўгрисида монополияга қарши органнинг қарори»;

ўнинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда ўн биринчи — ўн еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

- 2. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 10-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомда:
- а) 3-банднинг тўртинчи хатбошидаги ва 15-банддаги «Товар бозорларида устун мавкега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар давлат реестрига» сўзлари «Товар ёки молия бозорида устун мавкени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига» сўзлари билан алмаштирилсин;
- б) 4-банднинг иккинчи хатбошига «товарлар» сўзларидан кейин «(молиявий хизматлардан ташқари)» сўзлари қўшилсин;
 - в) 36-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши қўшилсин:

«товарларни етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизматлар



573-модда

кўрсатувчилар) билан хисоб-китобларни амалга оширишда тасдиқланган ёки белгиланган харид нархлари (тарифлар)нинг истеъмолчи томонидан пасайтирилиши»:

ўн учинчи хатбоши ўн тўртинчи хатбоши деб хисоблансин;

г) 37-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қушилсин:

«Етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, курсатилган хизматлар) учун тасдиқланган ва белгиланган харид нархлари (тарифлар) пасайтирилиши натижасида хужалик юритувчи субъект томонидан олинган маблағлар тасдиқланган ёки белгиланган харид нархи (тариф) билан ҳисоб-китоб амалга оширилган амалдаги нарх (тариф) уртасидаги тафовут сифатида аниқланади»;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда туртинчи — еттинчи хатбошилар деб хисоблансин.

- 3. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 94-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қумитаси туррисидаги низом 9-бандининг «г» кичик бандида:
- а) учинчи хатбошига «нархлар (тарифлар)нинг» сўзларидан кейин «шунингдек Товар ёки молия бозорида устун мавкени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар ёки шахслар гурухи томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларга нархлар» сўзлари қўшилсин;
 - б) қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:
- «Товар ёки молия бозорида устун мавкени эгаллаб турган хужалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрига киритилган хужалик юритувчи субъектлар ёки молиявий хизматлар курсатиш буйича шахслар гурухи томонидан курсатиладиган молиявий хизматлар нархлари устидан мониторинг олиб боради».
- 4. Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 11 июндаги 166-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 6-сон, 38-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўгрисидаги низом 3-бандининг йигирма саккизинчи хатбошидаги «Товар бозорларида» сўзлари «Товар ёки молия бозорида» сўзлари билан алмаштирилсин.